HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2022-yil 17-sentyabr
SHANBA
№ 71 (13528)

@haqiqatonline

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

## САМАРҚАНД САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

**2022 йил 16 сентябрь куни Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.**

Бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган декларация асосида ташкил этилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган давлатлардан бири сифатида унинг фаолиятида муҳим ва фаол роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ШҲТнинг халқаро нуфузини ва салоҳиятини юксалтиришга, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамиша хизмат қилиб келган.

Мамлакатимиз шу пайтгача ШҲТга 2003-2004, 2009-2010 ҳамда 2015-2016 йилларда раислик қилган. Ўзбекистоннинг тўртинчи – 2021-2022 йиллардаги раислиги қизғинлиги, мазмундорлиги ва натижага қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Самарқанд мезбонлик қилаётган ШҲТнинг бу галги саммити ҳам анъанага кўра, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган учрашувда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин ва ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Самарқанд саммити кун тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақада юзага келаётган сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШҲТга раислиги натижалари юзасидан ахборот берди. Қайд этилганидек, бу даврда 80 дан ортиқ йирик тадбир ўтказилди. Пандемиянинг мураккаб оқибатлари ва янги хавф-хатарларга қарамай, Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги режаси тўлиқ бажарилди.

Саммитда имзолаш учун салмоқли ҳужжатлар тўплами – 40 дан зиёд битим ва қарорлар тақдим этилди. Уларда ШҲТ давлатларининг ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, саноат кооперацияси, "яшил" иқтисодиёт, рақамлаштириш, савдо каби энг муҳим ва истиқболли йўналишларда ҳамкорлик қилишга доир умумий ёндашувлари акс этган.

Президентимиз ШҲТ тарихан қисқа даврда минтақавий ва глобал жараёнларнинг таъсирчан иштирокчисига айланганини таъкидлади. Хавфсизлик ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида, ташкилотнинг барқарорлаштирувчи роли кучайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ШҲТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини, очиқлик ва кенг ҳамкорликка қаратилган руҳини сақлаш, муроса, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат принципларига амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шуларни ҳисобга олиб ҳамда ШҲТ доирасидаги кўп қиррали шерикликнинг самарали тажрибасига таяниб, давлатимиз раҳбари яқин йилларда ҳамкорликнинг асосий йўналишларидаги устувор вазифаларни ҳал этишга доир аниқ таклиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, ШҲТ фаолиятини бугунги воқеликка мослаштириш, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳаларида ҳамкорлик қилиш, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, экология масалалари, маданий-гуманитар алоқаларга тўхталиб ўтилди. Хавфсизлик муаммолари ва Афғонистондаги вазиятни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ШҲТ келажаги ва мамлакатларимиз ривожи кўп жиҳатдан баҳамжиҳат ва самарали ишлашга боғлиқ эканини таъкидлади. "Биз биргаликда минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида, мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ташкилотни янги марраларга олиб чиқишга қодирмиз", – дея ишонч билдирди Шавкат Мирзиёев.

Аъзо давлатлар етакчилари ўз чиқишларида ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларига, минтақавий ва халқаро хавфсизлик муаммоларига тўхталиб ўтдилар. Самарқанд саммити алоҳида, тарихий аҳамиятга эга экани қайд этилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси кузатувчи мамлакатлар, фахрий меҳмонлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Саммит бундай кенг форматда – 14 та мамлакат етакчилари иштирокида биринчи марта ўтмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида Ташкилотга аъзо мамлакатлар ва унинг тузилмалари етакчилари билан бирга ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар раҳбарлари ва саммитнинг фахрий меҳмонлари – Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан, БМТ Бош котибининг ўринбосари Розмари ДиКарло қатнашди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ташкилотга Ўзбекистон раислиги даврида ШҲТ доирасида ахборот-коммуникация технологиялари, озиқ-овқат хавфсизлиги ва камбағалликни қисқартириш каби соҳалардаги ҳамкорликнинг янги формат ва механизмлари ишга туширилганини таъкидлади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида чин дилдан қутлайман.

Қадимий ва меҳмондўст Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар раҳбарларини, фахрий меҳмонларимиз ва халқаро ташкилотлар вакилларини шахсан қабул қилиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Буюк ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган бу муаззам шаҳар минг йиллар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази сифатида хизмат қилиб келган.

Бугунги кунда пандемия ва дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Самарқанд яна бир бор Евроосиёнинг улкан макони етакчиларини бирлаштиргани, халқаро сиёсат ва иқтисодиёт марказига айлангани қувонарлидир.

Мен анжуманимизда биринчи маротаба иштирок этаётган давлат раҳбарлари – Покистон Ислом Республикаси Бош вазири жаноб Шаҳбоз Шариф, Туркия Республикаси Президенти жаноб Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти жаноб Илҳом Алиев, Туркманистон Президенти жаноб Сардор Бердимуҳамедовни самимий қутлайман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Биз ШҲТга раислик давримизда Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилдик.

Хавфсизлик масалалари билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратилди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, Раислик режасини биргаликда тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлдик. 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бугун қабул қилинган 40 дан ортиқ ҳужжатда ўз ифодасини топган.

ШҲТнинг барча давлатлари, шунингдек, Ташкилот Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасига раислигимизга фаол ёрдам бергани учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди.

Иқлим ўзгариши, сув ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонамиз муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда.

Ташкилотимиз фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоён этмоқда.

ШҲТ очиқлик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда. ШҲТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатларимиз ривожланиб бормоқда.

Бугун Эрон Ислом Республикасининг Ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланмоқда. Ушбу тарихий воқеа билан Эрон Президенти жаноб Иброҳим Раисийни ва барча ҳамкасбларимизни чин қалбимдан табриклайман.

Миср Араб Республикаси ва Қатар Давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзоланишини мамнуният билан қабул қиламиз.

Бундан ташқари, биз Беларусь Республикасига ШҲТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига – мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш борасида процедураларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилмоқдамиз.

ШҲТнинг географик қамрови кенгаётгани ўз мисолида самарадорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва амалий саъй-ҳаракатларни намойиш этаётган Ташкилотимиз фаолиятининг долзарблигини яна бир тасдиқламоқда.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

ШҲТ ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўймоқда. Зиммамизда ҳамкорликнинг кўплаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди.

Бизнинг фикримизча, аввалambor, Ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиқлигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Биз хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қиламиз. ШҲТнинг фаолияти кенг ҳамкорликка йўналтирилган бўлиши лозим. Марказий Осиё ШҲТнинг "географик ядроси" мақомини сақлаб қолиши кераклигига ҳам ишончимиз комил.

"Шанхай руҳи" тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Биз фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин.

Ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришишимиз мумкин, деб ҳисоблайман. Ушбу дастуриламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларини қамраб олиши, ШҲТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим.

Аввало, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш ғоят муҳимдир. Бу масала минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатларимиз аҳолиси фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Кўриниб турибдики, кўпроқ иқтисодий барқарорликка эришиш учун минтақавий ҳамкорликнинг ишончли моделларидан фойдаланиш зарур. ШҲТ мамлакатлари ўртасида қисқароқ "таъминот таянчи"га эга ишлаб чиқариш занжирларини яратиш учун амалий ҳаракатларга ўтиш ўта муҳимдир.

Биз ШҲТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бир-бирини ўзаро тўлдириб боришдаги афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада оширишдан манфаатдормиз. Шу муносабат билан ШҲТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантиришни таклиф этамиз.

Унинг асосий вазифаси савдо ва божхона тўсиқларини бартараф этишга, кафолатланган ва барқарор ишлаб чиқариш ва таъминот занжирларини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган қўшма дастурларни рағбатлантиришни кўзда тутади.

Шунингдек, бу вазифа ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, уларни биринчи навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, рақобатбардош саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш орқали биз яратган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг барча механизмларини бирлаштириш ва фаоллаштиришдан иборат бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасида кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжиҳатликнинг аниқ натижаларига эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказишни таклиф этамиз.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдони рағбатлантириш мақсадида ШҲТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш тарафдоримиз. Биз келгуси йилда Самарқандда "Ўзбекистон – ШҲТ" саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказишга тайёрмиз.

Яна бир чора-тадбир сифатида ҳар йили ШҲТ йирик савдо ярмаркасини ўтказишни, унинг асосида ягона электрон платформа яратишни таклиф этамиз.

Биз қабул қилаётган Минтақалараро савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси ҳам бунга ёрдам беради.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шуни тан олиш керакки, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШҲТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик.

Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшишимиз керак.

**(Давоми 2-саҳифада)**

*Жараён*

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ – ТАШАББУСЛАР ДАВОМЧИСИ



**"Бир нарсани ҳамма аниқ тушуниб олиши зарур. Ҳоким ёрдамчилари – Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси – ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат.**

**(Давоми 3-саҳифада)**

*Шов-шув ва ҳақиқат*

## БЎКАДА "НЕФТЬ БУЛОҒИ" БОР(МИ?)

**Шу кунларда ижтимоий тармоқларда "Бўкада нефть захираси борми?" каби хабарлар тарқалмоқда. Бу гаплар нечоғли ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида Бўка туманининг "Янгиқўрғон" маҳалласидаги Зарафшон кўчасида истиқомат қилувчи Акмал Алимов хонадонига бордик.**



– 2020 йилнинг охири эди, – дейди А. Алимов. – Биз яшайдиган уй қаридан ғалати овозлар келиб, ер силкина бошлади. Аввалига ўтиб кетар деб, эътибор бермадик. Бу ҳолат такрорланавергач, маҳалладошларимиз билан бирга туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Мурожаатимиз масъуллар, мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилди. Лекин натижаси кўринмаяпти.

Хонадон эгасининг айтишича, ўтган икки йил давомида яшаш хонадонидаги уйлар деворларида ёриқлар пайдо бўлиб, борган сари кенгаймоқда. Бу оилада 6 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ҳолат яна такрорланиб, бир фалокат юз беришидан маҳалладагилар ҳам хавотирда.

– Бу ҳодисага кўпчилик ишонмаслиги мумкин, – дейди маҳалла фаоли Гулбека Ҳасанова. – Бизнинг уй бир чақирим нарида. Аммо бу кўчадан ҳар куни ўтамиз. Икки маротаба қаттиқ овозлар келганига ўзим гувоҳ бўлганман. Шу кўчада яшаётганларга доим ҳушёр туринглар, дейишдан бошқа чорамиз йўқ.

**(Давоми 3-саҳифада)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Шу муносабат билан Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, "яшил" ва экспресс-йўлакларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун биз ШҲТнинг Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш концепциясини қабул қилмоқдамиз.

Концепциянинг асосий қоидаларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Шунингдек, саммит доирасида Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битимнинг имзоланишини ҳам тарихий воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Сизларни стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа – Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар темир йўли коридори қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, умуман олганда, Ташкилотимиз маконида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кенг имкониятлар очади.

Транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча истиқболли лойиҳаларни биз келгуси йили Ўзбекистонда ШҲТ биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилишимиз мумкин бўлур эди.

Кун тартибидаги экологик муаммолар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугун Иқлим ўзгаришига муносабат бўйича қўшма баёнот қабул қилиш орқали ШҲТ ушбу хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишда бирдамликни намоён этмоқда.

Шу билан бирга, барчамиз учун ҳаётий ўта муҳим бўлган ушбу соҳада амалий ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари зарурдир.

Биз ўз таркибида сиёсатчиларимиз, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакилларимизни бирлаштира оладиган ШҲТ Иқлим кенгашини тузишни таклиф қиламиз.

Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу масала Орол денгизи экологик фожиасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф этиш нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Хавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик ШҲТ ривожланишининг муҳим шартидир. Янги реаллик шароитида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни мустаҳкамлаш долзарб масала ҳисобланади.

ШҲТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарадорлигини ошириш, жумладан, хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлардан огоҳлантириш ва уларга тезкорликда муносабат билдиришга оид шартномаларимиз асосида ушбу тузилманинг фаолиятини такомиллаштиришнинг аллақачон мавриди келган.

Мамлакатларимиздаги вазиятни баҳолаш ва бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда мажмуавий қарорлар қабул қилиш учун Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йиллик сайёр йиғилишлари амалиётини йўлга қўйиш муҳимдир.

Радикализмнинг ўсиб бориши хавфли тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишни истар эдим.

Фақат кучларни бирлаштириш орқали, бир пайтнинг ўзида, ахборот маконидаги таҳдидларни камайтира борган тақдирдагина биз рақамлаштириш афзалликларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШҲТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим.

Ушбу масалада яқинда бўлиб ўтган Тошкент конференциясини қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳамкасбларимга алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур анжуманда афғон делегацияси, кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг, жумладан, ШҲТ вакилларининг иштироки жаҳон ҳамжамиятининг ушбу мамлакат билан ҳамкорлик бўйича мувофиқлаштирилган ёндашувларини ишлаб чиқишга бўлган интилишини тасдиқлайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим.

Санкциялар сиёсатининг кучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада яккаланиши муқаррар равишда мамлакат ичида радикаллашувнинг кучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармга айлантиради.

Шу боис биз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича Кобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни бизнинг мазкур мамлакатга чегарадош бўлган Термиз шаҳрида – у ердаги мавжуд транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, биргаликда таъсис этишни таклиф қиламиз.

Фонд маблағлари ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Маданий-гуманитар алоқалар анъанавий равишда ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосини шакллантиради. Халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ШҲТ минтақасидаги тинчлик ва кенг қамровли шерикликнинг гаровидир.

Бугун қабул қилинаётган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича комплекс режа айнан шу мақсадларга қаратилган.

Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда, Ташкилотимиз миллионлаб одамларга маданиятлараро мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятлари эшикларини очиб беради.

ШҲТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни қайд этишни истардимки, замонавий технологиялар бизга маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш имконини беради.

Бу – виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий видеоконференциялар бўлиб, улар аҳоли, жумладан, ёшларни бундай лойиҳаларга фаол жалб қилиш орқали халқларимизнинг янада яқинлашишига кўмаклашади.

Ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш, сайёҳлик соҳасида қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳам шу мақсадга йўналтирилади.

Ушбу устувор йўналишдаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш учун келгуси йилни "ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили" деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим биргаликдаги ишларимиз учун зарур ҳуқуқий замин яратади.

Қадрли дўстлар!

Самарқанд қадим-қадимдан Шарқий Осиёдан то Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Европагача бўлган маконда яшайдиган халқлар ўртасида маънавий, иқтисодий, маданий ва илмий алмашувларнинг маркази бўлиб келган. Асрлар давомида бу ерда турли цивилизациялар вакиллари ўртасида самарали мулоқотнинг ўзига хос маданияти яралган.

Самарқанд – биз ШҲТни тузишда асос қилиб олган бағрикенглик ва турли халқларнинг анъана ва қадриятларига ҳурмат тамойиллари асрлар давомида ҳаётга татбиқ этилган жонли намунадир.

Ҳозирги кунда геосиёсий рақобат, мафкуравий зиддият ва баҳслардан ҳоли бўлган бундай мулоқот фавқулодда зарурдир.

Шу боис бугун Ўзбекистон шерикларга умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббусини тақдим этишдан мамнундир.

Бу ташаббуснинг мақсади – бизнинг умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашувлар ва қарорларни излашга тайёр, "Самарқанд руҳи" тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал цивилизациялараро мулоқотга жалб қилишдир.

Унинг амалий ижросига доир масалаларни сиёсий етакчилар, жамоатчилик, ишбилармонлар, академик ва эксперт доираларининг нуфузли вакиллари иштирокида келгуси йили Самарқанд халқаро форумида биргаликда кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Биз тез фурсатларда барча шерикларимизга тақдим этадиган сермазмун Ҳаракатлар дастури форум ишининг асоси бўлади. Сизларнинг кенг қўллаб-қувватлашингизга ва ташаббусимизни тарғиб қилишдаги иштирокингизга умид қиламан.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон раислигидаги мақсадларга эришишда фаол кўмаклашганингиз учун барчангизга яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва қарорлар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти янада изчил ривожланишига ҳамда Ташкилотимиз нуфузининг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# САМАРҚАНД САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

Иқтисодиёт, саноат, инновациялар, туризм, соғлиқни сақлаш, халқ дипломатияси, гендер тенглиги ва аёллар тадбиркорлигини илгари суриш борасидаги долзарб масалалар бўйича форумлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Мамлакатимиз етакчиси ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ таклифлар ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Энг аввало, ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва очиқлигини, кенг халқаро ҳамкорликка йўналтирилганини сақлаб қолиш, хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига риоя қилиш муҳимдир. Марказий Осиё бундан буён ҳам ШҲТнинг "географик ядроси" бўлиб қолиши керак.

"Шанхай руҳи" тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. "Биз фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин", деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари ШҲТни 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш таклифини билдирди. Ушбу дастурий ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жабҳаларини қамраб олиш, ШҲТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилган.

Иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу мақсадда ШҲТнинг янги иқтисодий мулоқотини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, аъзо мамлакатларнинг махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, ҳар йили ШҲТ йирик савдо ярмаркасини ўтказиш ва унинг негизида ягона электрон платформа яратиш таклифлари илгари сурилди.

Жаҳондаги озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози ШҲТда бу борада фаол ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш ва келгуси йилда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш таклифини билдирди.

ШҲТ маконида транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шавкат Мирзиёев Саммит доирасида "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битим имзоланганини тарихий воқеа сифатида баҳолаб, иштирокчиларни стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа – "Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўли қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилиш учун Ўзбекистон ШҲТнинг Биринчи транспорт форумини ўтказиш ва унинг якунида Қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга тайёрлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари экологик таҳдид ва хатарлар ортиб бораётганини таъкидлаб, ШҲТнинг Иқлим кенгашини тузишни таклиф этди. Ушбу механизм "яшил" тараққиёт, чўлланиш ва тупроқ таназзулига қарши курашиш, экологик лойиҳалар, шу жумладан, Оролбўйи учун инновацион ечимлар ва молиявий маблағлар жалб қилишга кўмаклашади.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Президенти бу борадаги устувор вазифалар қаторида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш, хавфсизликка таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш ҳамда уларга тезкорликда жавоб қайтариш бўйича ШҲТ МАТТ фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини қайд этди.

Шу билан бирга, ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш таклиф этилди. Дунёда радикализмнинг ўсиши хавфли тенденцияга айланаётган ҳозирги шароитда бу айниқса муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож экани, ўтмишдаги хатоларни такрорламаслик кераклигини таъкидлади.

Шу муносабат билан Термиз шаҳридаги транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд таъсис этиш таклиф қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев маданий-гуманитар алоқалар анъанавий равишда ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асоси эканини таъкидлади. Маданиятлар ва анъаналар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш миллионлаб одамларга дўстона мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятларини очиб беради.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари ШҲТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар каби ҳамкорликнинг қўшимча форматларни яратишга чақирди. Маданиятлараро мулоқотнинг рақамли шакллари: виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий конференциялар ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаш учун 2023 йилни ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили, деб эълон қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон раҳбари Самарқанд қадим-қадимдан Шарқий Осиёдан то Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Европагача бўлган маконда яшайдиган халқлар ўртасида маънавий, иқтисодий, маданий ва илмий алмашувларнинг маркази бўлиб келганини таъкидлади.

Шу боис умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббусини илгари сурди. Унинг мақсади – бизнинг умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашув ва қарорларни излашга тайёр, "Самарқанд руҳи" тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал мулоқотга жалб қилишдир.

Ушбу ташаббусни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун келгуси йилда сиёсий етакчилар, жамоатчилик, ишбилармонлар, академик ва эксперт доираларининг нуфузли вакиллари иштирокида Самарқанд халқаро форуми ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари нутқининг якунида Ўзбекистон раислигидаги мақсадларга эришишда фаол кўмак учун ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатларга самимий миннатдорлик билдирди.

"Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва қарорлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада изчил ривожланишига ҳамда нуфузи юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади", деди Шавкат Мирзиёев.

Мажлисда аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар етакчилари, фахрий меҳмонлар ҳамда БМТ ва ШҲТ раҳбарлари сўзга чиқди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларацияси тадбирнинг бош якуний ҳужжати бўлди.

Унда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар белгилаб берилган.

Жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Бу ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичдир. Жумладан:

– ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси тўғрисида;

– ШҲТга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича концепцияси тўғрисида;

– "ШҲТнинг эзгу ният элчиси" фахрий унвони тўғрисидаги низом тўғрисида;

– ШҲТга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида миллий валюталар улушини босқичма-босқич ошириш бўйича "йўл харитаси" тўғрисида;

– Эроннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзолангани тўғрисида;

– Беларусь Республикасини ШҲТ аъзолигига қабул қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида;

– Мальдив Республикаси, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Мьянма Иттифоқи Республикаси, Қувайт Давлатига ШҲТнинг мулоқот бўйича шериги мақомини бериш тўғрисида;

– Варанаси шаҳрини (Ҳиндистон) 2022-2023 йилларда ШҲТнинг туризм ва маданий пойтахти деб эълон қилиш тўғрисида;

– ШҲТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида меморандумни имзолаш тўғрисида;

– ШҲТ Бош котибининг ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти ҳамда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ҳақида;

– ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши қарорларининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида;

– ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг:

– иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари тўғрисида;

– ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш занжирларини таъминлаш тўғрисида;

– глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида;

– энергетик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги баёнотлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

– Эроннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум;

– ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳадли асослари;

– ШҲТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– ШҲТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– ШҲТ мамлакатларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги дастури;

– ШҲТ мамлакатларини инфратузилмавий ривожлантириш дастури;

– ШҲТ мамлакатларининг ишбилармон доиралари ўртасидаги саноат кооперациясини рағбатлантириш дастури;

– Рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича ШҲТ дастури;

– ШҲТга аъзо давлатларнинг сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича ҳамкорлиги дастури;

– ШҲТга аъзо давлатларнинг тиббиёт ташкилотлари ўртасида юқумли касалликларни профилактика қилиш ва даволаш масалаларида ҳамкорлик бўйича "йўл харитаси";

– ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида устувор йўналишлардаги илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳаракатлар режаси (2022-2025 йилларда);

– ШҲТда минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

– ШҲТ мамлакатларининг телемедицина соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси;

– ШҲТ мамлакатларининг "ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси;

– ШҲТ ва Араб давлатлари лигаси котибиятлари ўртасида меморандум;

– ШҲТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум;

– ШҲТ котибияти билан Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (ЭСКАТО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистонинг ШҲТга бу галги раислиги якунланди ва раислик илк бор Ҳиндистон Республикасига ўтди.

Мажлис якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда ШҲТ бош котиби Чжан Мин иштирокида брифинг ўтказилди ва унда Самарқанд саммити натижалари, унда муҳокама этилган масалалар юзасидан оммавий ахборот воситалари вакилларига ахборот берилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда ўтказилган саммити бир қатор жиҳатлари билан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу аввало, Давлат раҳбарлари кенгашининг пандемия бошлангандан буён ўтган уч йил ичида илк бор барча аъзо мамлакатлар етакчиларининг тўлиқ таркибда юзма-юз мулоқот қилгани, кузатувчи ва меҳмон мамлакатлар сони ошгани билан боғлиқ бўлди. Шунингдек, йиғилишда илк бор 40 дан ортиқ ҳужжат кўриб чиқилди. Ташкилотни кенгайтириш, янги аъзолар қабул қилиш, мулоқот бўйича шерик мақомини бериш юзасидан қарорлар имзоланди. Муҳими, ШҲТ маконида бирдамлик, ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган долзарб ташаббуслар илгари сурилди ҳамда уларни амалга оширишга якдиллик билдирилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## Сиз бунга нима дейсиз?

**Мавзуни яхши ўрганмай, етарлича сўраб-суриштирмай ёзиш, шов-шув қилиш бугунги “интернет журналистикаси” учун, афсуски, одатий ҳол. Кўчирмакашлар ва ижод ўғриларидан фиғонимиз ошиб юрган бир пайтда плагиатга доир яна бир иш натижаси – муаллифлик ҳуқуқини бузган хонанда жаримага тортилгани ҳаммаёқда овоза бўлди. Фарғона вилоят адлия бошқармаси интернетда шу ҳақда узуқ-юлуқ хабар эълон қилди. Энг ачинарлиси, аксарият сайтлар воқеа тафсилотларини ўрганмай, вазиятни суриштирмай ўша хабарни шундоққина кўчириб олиб тарқатди. Бу ўринда бошқарма ходимлари ҳам, ОАВ вакиллари ҳам ахборот етказишда касб этикасига риоя қилмаганини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Оқибатда кўпчиликда нотўғри хулоса шаклланиб улгурди: гўё шеърим рухсатсиз қўшиқ қилингану, буни эшитиб дарров судга чопганман. Одам ҳам шу қадар анойи бўладими?!**

# ИЖОД ҲАЛОЛ ЙЎЛ БИЛАН БЎЛСИН

### *Ёхуд плагиат, муаллифлик ҳуқуқи, бугунги қўшиқчилик, ижод масъулияти ва бошқалар ҳақида*



Мазкур ишда асосий муаммо “шеър рухсатсиз қўшиқ қилингани”да эмас, плагиат, яъни кўчирмакашлик, ижодий ўғрилик юз берганида. Қолаверса, судгача ҳам анча ишлар, кўп гап-сўзлар бўлган. Бу иш ҳақида тўхталиб ўтиргим йўқ эди. Тушунган, ақли етган одамлар асосий масала нимада эканини яхши англаб турибди. Лекин кўпчилик вазиятни билмай, унча тушунмай ҳали ҳам шу мавзуни муҳокама қилаётгани, яна турли гап-сўзлар болалаётгани, ҳар хил оммавий ахборот воситалари бу ҳақда муносабат, интервью сўраётгани учун батафсилроқ изоҳ беришни маъқул топдик.

Бу бир йил олдин бошланган можаро. Бир шеърим кўчирмакашлик йўли билан ўғирланиб, қўшиқ қилиб айтилган экан. Бу ҳақда ўша пайтда интернетдаги саҳифаларимизда хабар берганмиз. Яъни, менинг шеърим асосида гўё янги бир шеър “яратилган” ва у қўшиқ қилинган. Ўзим бу қўшиқ ва унинг ижрочиси ҳақида кейинроқ, шеър мухлислари хабар берганидан сўнг билдим. Анча йил аввал ёзилган бу шеър интернетда ҳам кенг тарқалган ва аллақачон ўз мухлисларини топган. Дарвоқе, шеърнинг номи “Айёр дўстларим” эмас, қўшиқ шундай номланган.

...Кейин бунга аниқлик киритиш учун хонанда билан боғландик. Бошида турли ножўя гаплар қилиб, “Шеър муаллифи бошқа эди”, деб турган қўшиқчи уни ким ёзганини ҳам аниқ айтолмади. Кўп ўтмай, интернетни титкилаб кўрди, шекилли, қўшиқчи мен билан боғланди. Унинг айтишича, шеърни интернетда кимдандир эшитиб, маъқул келиб, қўшиқ қилган экан. Қўшиқчига муаллифлик ҳуқуқи қонун-қоидалари бузилгани, плагиат (кўчирмакашлик) бўлгани, бунинг учун қонуний жавобгарлик борлигини, қолаверса, асар муаллиф билан келишилган ҳолда, унинг рухсати билан ижро этилиши кераклигини батафсил тушунтирдим. Хонандага қўшиқ сўзлари ва мусиқасига жиддий ёндашиб, профессионал ижодкорлар билан ишлаш, ижодга масъулият билан қараш кераклиги, акс ҳолда, бундай муаммоларга дуч келавериши ҳақида гапирдим. Қўшиқ учун шеър топишга қийналаётган бўлса, ёрдам беришимиз мумкинлигини айтдим.

Охири у плагиат масаласига аниқлик киритиб, биз билан яна боғланишини айтди-ю, лекин кейин ҳар хил баҳона-важлар, ёлғон-яшиқ гаплар билан муаммони баттар чигаллаштирди. Хуллас, кўчирилган шеър ҳақида тайинли жавоб ололмадик. Бу орада бўлиб ўтган асаббузарлик ва оворагарчиликларни айтмай қўя қолай. Шунга қарамай, можарони муроса йўли билан ҳал қилишга кўп уриндик. Бундай “ўйин”лар давом этаверса, кескин чора кўрилиши ҳақида бир неча бор, такрор-такрор огоҳлантирдик. Аммо... натижа бўлмади.

Қўшиқчининг хурмача қилиқлари, ёлғон гаплари бизни жуда чарчатиб, қаттиқ ранжитди. Бир неча ойлаб шу ғалвали иш билан овора бўлдик.

Аслида, интеллектуал мулк ҳимояси учун масъул ташкилотлар қандай иш бажаряпти? Ижодкорнинг шундай ортиқча бошоғриқ билан банд бўлиши, ойлаб овораю сарсон юришини нима деб тушуниш керак? Ўзи ким бу ишлар билан шуғулланади? Қачонгача ижодкорлар саргардонликда, эшикма-эшик юриб, ҳуқуқини талаб қилади? Тегишли идоралар эса ишни пайсалга солишдан, сарсон қилишдан нарига ўтмайди ёки шўрлик муаллифнинг югур-югури, муттасил талаблари билан масала бир нави ҳал бўлганда дарров майдонга чиқиб, ўз номини пеш қилганча шов-шув кўтаришни билади. Бироқ инсон қадри, унинг шаъни масаласи улар учун деярли аҳамиятсиздек.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва судларнинг бу борадаги фаолияти ҳақида-ку, анча гап бор яна. Имкониятга қараб бу ҳақда кейинроқ батафсил ёзармиз. Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекконцерт” мутасаддилари ҳам бундай масалаларга жиддийроқ қараши зарур эмасми ахир?!

Мазкур ҳолатда баъзилар ҳуқуқбузар, андишасиз хонанданинг “жабрдийда” сифатида кўраётгани эса янада ажабланарли.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун эндигина жонланиб қолганимиз йўқ. Кузатиб бораётганларга маълум, неча йиллардан буён бу ҳақда ёзиб, турли чиқишлар қилиб келамиз. Шундай ҳолатлар такрорланишининг олди олинишига маълум маънода ҳисса қўшиш, бошқаларни ҳам илму ижод масъулиятини ҳис қилишга ундаш ниятида интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқи бўйича давомий чиқишлар қилиб боряпмиз. Натижасини ўзингиз кўриб турибсиз.

Бизда жамоатчилик назорати яхши эмаслиги, тегишли ташкилотлар ўз ишини рисоладагидек уддаламаётгани, судларда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ тажриба шаклланмагани боис айни ижод қиладиган, изланиб-ўрганадиган пайтда шунақа можаролар, айтишга уяладиган ғалвалар билан вақтимизу асабларимизни қурбон қилиб қўйяпмиз. Суд иши-ку, бизнинг фойдамизга ҳал бўлди. Лекин булар эртага, ҳеч нарса бўлмагандай, яна катта саҳналарда бақириб ашуласини айтаверади. Ҳатто бу можародан реклама ўрнида фойдаланиб, гўё рейтингини оширмоқчидай бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Қонуннинг 65-моддасида ҳуқуқбузар базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 1000 бараваригача миқдорда товон тўлаши белгиланган. Маънавий зарар ҳам назарда тутилган.

Янаям суд мазкур иш бўйича “анча камтарона” жарима белгилади. Маънавий зарар суммаси эса кулгили даражада кам... Ўзи апелляция шикояти киритсак ҳам бўларди-ю, лекин бундан тийилдик.

Шу ўринда кўпдан буён кўнглимни безовта қилаётган мулоҳазаларни яна айтиб ўтгим келди.

Нега кўпчилик қўшиқчи ва бастакорлар профессионал шоирлар билан ишламай, танилишга ўч ҳаваскор кўчирмачи “шоир”лар билан андармон? Нима учун ижодга санъат мезонлари билан эмас, тўй ва интернетдаги “просмотр”ни мўлжал олиб ёндашади? Аксариятининг асосий мақсади – тўй, рейтинг, пул! Бу ҳолда қандай қилиб ҳақиқий санъат асари яралиши мумкин?

Билишимизча, кўплаб ижрочилар тайёр қўшиқни сотиб олади. Шеър (ё қўшиқ матни) ва унинг муаллифи кимлиги билан қизиқиб ҳам кўрмайди. Уларга яхши қўшиқ, санъат асари эмас, “хит” керак! Шунинг учун ҳам кимнинг қўшиғи оммалашса, ўшанга қараб “ижод қилади” бундайлар. Бугунги ўзбек эстрадасида янгилик деярли кузатилмаётгани, қўшиқлар бир хил ва яна бир хил бўлиб қолаётганининг асосий сабаби ҳам шу бўлса, эҳтимол.

Бу ҳақда гапираверib, ёзавериб чарчади одам...

Яхши қўшиқ яратиш учун, албатта, ҳофизлик истеъдоди билан бирга, профессионал шоирлар билан ишлаш, доимий мутолаа, китобга, адабиётга меҳр зарур. Турли тадбирлар, тўй-тантаналар, катта-кичик давраларда ижро этиш ёки қўшиқ қилиш учун мендан бот-бот шеър сўрашади. Хонандалар ҳам ҳамкорликда ишлаш таклифи билан мурожаат қилиб туришади. Баъзи қўшиқчилар билан ишлаб кўрдим. Лекин аксариятининг сўзга муносабатидан ҳафсалам пир бўлган! Шу боис улар билан ҳамкорликдан воз кечганман.

Юзаки қараганда, ғалати туюлади: ахир шеърингни қўшиқ қилаётганига хурсанд бўлмайсанми? Йўқ, яна бир бор йўқ.

Назаримда, бугунги кўп шоирлар, айниқса, ёш ижодкорларнинг катта камчиликларидан бири шеърининг қўшиқ бўлгани, янада аниқроқ айтганда, оммалашгани билан фахрланиши, яхши шеърга қўйиладиган талабга шу мезон билан ёндашаётганидир. Оддийроқ қилиб айтилса, шеъринг қанча кўп қўшиқ бўлса, сен шунча яхши шоирсан! Шундайми? Бадиий ижод моҳиятини тушунган зукко кишилар ҳозир бу гапга мийиғида кулиб тургани аниқ.

Эшигидан ҳайдаса, тешигидан кириб “юлдуз”ларга “шиғир” тутаётган, майда манфаатлар йўлида ҳар мақомга йўрғалаётган сўзфурушлар бугун шоир деган ном қадрини тушириб юборди. Натижада хонандаларда, оддий халқда “Шоир шунақа бўлади” деган тушунча пайдо бўлгани рост.

Яхшилаб ўйлаб қарасам, нуқул танқид қилиш ёки ўзингни четда тутиш билан иш битмас, аксинча, аҳволни яхшилаш учун имкон қадар ҳаракат қилавериш керак экан. 2017 йили чоп этилган “Тушларингдан чиқиб келдим” номли китобим ана шу ниятда, сўз ва санъатнинг куюнчак мухлислари таклиф-истакларига кўра дунёга келганди. Китобга Ватан, табиат, ота-она, ёшлик, бахт ва севги-муҳаббат мавзусидаги шеърлар жамланган.

Ижодий жамоамиз билан бир қанча лойиҳа ва хизматларни йўлга қўйганмиз. Ана шу лойиҳалар доирасида бугунги қўшиқчилар, айниқса, ёш ижрочилар билан ижодий ҳамкорлик қилиб, қўлдан келганча маслаҳатлар бериш, сўз, шеър билан боғлиқ ишларда ёрдамлашишни ният қилгандик. Маза-матрасиз, руҳни ўлдирувчи “қўшиқ”лар камайишига озми-кўпми ҳисса қўшмоқчи эдик. Бу каби ҳолатлардан кейин яна ўйланиб қолдик: шу ишлар керакми ўзи? Сен ёрдам қилмоқчи бўлган инсонлар, барибир, тушуниб етишмас экан-ку!

Яна бир гап: муаллифлик ҳуқуқини бузганлар айбини тан олиб, муаммони тўғри ҳал қилиш ўрнига ҳар хил йўллар билан ишни “ёпиш”га ҳаракат қилаётгани, ҳар қандай ёлғон кўрсатмалардан қайтмаётгани ачинарли. Бу кетишда шоирлар ва хонандаларнинг ижодий ҳамкорлиги қандай давом этиши мумкин?!

Хуллас, яна бир плагиатга қонуний чора кўрилди. Аммо кўчирмакашлик, муаллифлик ҳуқуқи бузилиши оқибатида куйиб-қақшаб юрган асл ижодкорлар яна қанча экан? Муаллифлик ҳуқуқи масаласида бугун классиклар ҳам ҳимоясиз бўлиб қолган бир пайтда ҳар қандай ижодкор ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ўзи курашиши зарур бўлиб қоляпти. Ҳа-я, нима учундир бизда ҳали ҳам “судга берилди” дейилса, бошқача тушунилади. Ахир бу масалани ҳал қилишнинг энг маданий йўлларидан-ку!

Баъзи ижод одамларининг мазкур ҳолат ҳақидаги илмоқли гапларини эшитиб яна ўйланиб қоласан: наҳотки шу даражага тушиб қолган бўлсак? Аслида, биринчи навбатда ижодкорлар муаллифлик ҳуқуқи бузилишига, плагиатга, ижодий ўғриликка кескин қарши туриши керак эмасми?!

Шеърининг қўшиқ бўлиши шоирлар учун фахр, деб ўйлайди кўпчилик. Камина эса бундай фикрда эмасман. Аммо бу – шеърим қўшиқ бўлишига қаршиман, дегани ҳам эмас. Қани сўзни ҳис қилиб, шеър руҳини бузмай, маромига етказиб куйлайдиган хушнафас ҳофизлар?!

Бу фикр-мулоҳазалардан асосий мақсадимиз шу: кўчирмакашлик йўқолсин, қонун ишласин, интеллектуал мулк ҳимоя қилинсин ва албатта ижод ҳалол йўл билан бўлсин!

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН,**
**шоир**

***Таҳририят изоҳи:*** Шоир билан хонанда ўртасидаги можарога сабаб бўлган шеър асли тўрт мисрадан иборат бўлиб, у Б. Фазлиддиннинг 2012 йилда чоп этилган “Кутмаган кунларим. Кутган кунларим” номли тўпламидан жой олган. Мана ўша шеър:

*Балосиз – гўёки ғамимни ейсиз,*
*Заҳардан ўткирроқ чой бериб қўйиб.*
*Тортинмай бемалол ўтиринг, дейсиз,*
*Игнанинг учидан жой бериб қўйиб.*

Худди мана шу тўртликни олиб, ҳозир бизга шахси номаълум бўлган ҳаваскор “сўз даллоллари”дан бири унинг давомига тўртликлар улаб, гўёки уни давом эттирган ва бугун омма эътиборини қозонган фарғоналик хонанда Жалолиддин Аҳмадалиев томонидан ўша кўчирмакашлик билан ясалган қофияланган матн қўшиқ қилиб ижро этилган.

Фарғона вилоят адлия бошқармасининг баёнотига кўра, ташкилотга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Беҳзод Фазлиддин ариза билан мурожаат қилган ва хонанда Ж. Аҳмадалиев шоирнинг юқоридаги шеъридан кўчириб олинган шеърни куйга солиб, қўшиқ қилган. Бу қўшиқ ижтимоий тармоқларда “айланган”, тўйларда фаол ижро қилинган. Шоир Б. Фазлиддин Фарғона вилоят адлия бошқармасидан бузилган муаллифлик ҳуқуқларини тиклаб беришни, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраган.

Масала суд тартибида кўриб чиқилиб, шоирнинг даъвоси ўз тасдиғини топган. Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, хонандадан шоир фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баробари, яъни 24 млн. сўм товон пули, 2 млн. сўм маънавий зарар, жами 26 млн. сўм ундириб берилган. Шунингдек, Ж. Аҳмадалиев томонидан ижро этилган “Айёр дўстларим” номли қўшиқни ижтимоий тармоқлардан олиб ташлаш мажбурияти юклатилган.

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ – ТАШАББУСЛАР ДАВОМЧИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бунинг учун ҳоким ёрдамчилари ҳар қандай бюрократиядан ҳоли бўлиши, ҳеч қайси ҳоким ёки раҳбар уларни мажлисларга чақирмаслиги, турли ҳисоботлар билан “кўмиб ташламаслиги” лозим. Улар учун фақат шароит яратиб бериши керак.”

Президентимиз томонидан айтилган ушбу сўзлар бугун ҳаётда ўз ифодасини топяптими? Йўлга қўйилган тизим бугун қанчалик ўзини оқламоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Паркент туманининг Самсарак қишлоғида хизмат сафарида бўлдик.





Сардор Эгамбердиев йил бошида “Самсарак” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлади.

– Ишнинг биринчи кунини аҳоли билан самимий суҳбатдан бошладим, – дейди ҳоким ёрдамчиси. – Маҳалла аҳлининг иш фаолияти ва муаммолари билан яқиндан танишдим. Ишсиз юрган 17 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди. 80 нафар киши эса ўзини ўзи банд қилишди. Биласизми, қишлоқ аҳли содда, меҳнаткаш. Улар ўзини ўзи банд қилиш орқали келажакларини ҳам таъминлашларини жуда яхши билишади. Шунингдек, 18 нафар фуқарога мотокультиватор ва тикувчилик ускуналари олиниб, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларида кредитлар ажратилди. Улар энди доимий даромад манбаига эга бўлишди.

“Қадрият” кўчасида истиқомат қиладиган Умид Нуғматов ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан тухумчилик йўналишида 32 миллион сўм кредит олишга эришди ва “Қора шаҳзода” зотли 550 та товуқ сотиб олди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

– Тайинли бир ишим, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун эса пулим йўқ эди. Сардор аканинг ёрдами билан бугун бари ўзгарди. Товуқ етти хазинанинг бири, даромад манбаи экан. Кунига 300-350 та тухум оламан. Топган даромадимдан яна юзта турк бурама товуғини сотиб олдим. Ишларим аста-секин изга тушяпти.

Суҳбатдошимизнинг келажакдаги ниятлари катта. У товуқ бошини кўпайтириб, таъминотчи бўлмоқчи. Ўзи каби қўшимча даромад қилмоқчи бўлган маҳалладошларига товуқ етказиб беришни кўзлаган.

Яна бир суҳбатдошимиз Бахтигул Мавлонова уй бекаси. У банкдан 32 млн. сўм кредит олиб, қўйчилик билан шуғулланишни бошлади. Келгуси йилнинг бошида Бахтигул боқаётган 14 та қўй кўпайиб, даромад манбаига айланиши шубҳасиз.

8 йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланиб келадиган Дилмурод Адашев бу ерлик бўлмасада, маҳалла аҳолисини иш билан таъминлашда ҳисса қўшиб келаётганлардан. Унинг 1 гектарлик узумзорида ҳосил мўл. Ҳозирга қадар “қора шўлғон” навли узумдан 9 тонна ҳосил йиғиб олишди. Аҳамиятлиси, узумлар даланинг ўзиданоқ тўғри Россияга экспорт қилинмоқда.

– Узумларимиз экспортбоп, – дейди Дилмурод Адашев. – 3 тонна узумдан ҳар йили майиз тайёрлаб, ички бозорда сотамиз. Боғимизда оила аъзоларимиздан ташқари 3 нафар самсаракликлар ҳам меҳнат қилмоқда.

– Маҳалламиз туманнинг жануб қисмида жойлашган бўлиб, бошқа ҳудудларга нисбатан иқлими илиқ, – дея суҳбатга қўшилди Сардор ака. – Ернинг унумдорлиги ҳам юқори. Аҳоли иш излаб узоққа бормайди, далада ишлаб яхшигина доромад топишади. Бизда барча мавсумда ҳам иш топилади.

Самсараклик Камила Манимхўжаева ишни кенгайтириш мақсадида ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан 30 миллион сўм кредит олиб, туман марказида гўзаллик салони очди ва 3 нафар фуқарони иш билан таъминлади. Бундан кўриниб турибдики, ҳоким ёрдамчиси маҳаллага аҳлига ҳар соҳада кўмакчи бўлмоқда.

Маҳаллада 526 та хонадонда 2 минг 647 нафар аҳоли истиқомат қилиб, асосан узумчилик, боғдорчилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Маҳалладаги 50 нафар аёлнинг олисга бориб ишлаши ҳам ҳоким ёрдамчисининг эътиборидан четда қолмади. Уларга қулайлик яратиш мақсадида маҳалланинг ўзида тикув цехи очишмоқчи.

Яна бир гап. Паркент туманининг энг чекка қишлоғи бўлган “Самсарак”нинг тарихи ҳақидаги ҳақиқат ва ривоятлар бизни қизиқтириб қўйди. Ҳаттоки, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам “Бобурнома” асарида ушбу қишлоқнинг номини келтириб ўтган экан. Бу ҳақда кейинги мақоламизда баён этамиз.

**Нозима РАСУЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*




**Белгиланган тартибга кўра, "Темир дафтар" ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади.**

# “Темир дафтар”га киритилган оилаларга қандай тартибда тиббий хизмат кўрсатилади?

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида "Темир дафтар"га киритилган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Шунингдек, “Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандларига биринчи ўқув йили контракти тўлаб берилади. "Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг барча масалаларининг тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади. Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча тураржойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан "Темир дафтар"га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Хўш, “Темир дафтар”га киритилган оилаларга қандай тартибда тиббий хизмат кўрсатилади?

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Саодат Боймирзаеванинг қайд этишича, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатишда тиббий ёрдамга муҳтож оилалар бошқарув офиси томонидан тегишли тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганиб чиқилади.

Ўрганиш натижаси бўйича касаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасига юборилади. Тиббий кўрик натижаси юзасидан кўрсатма бўйича оила аъзолари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатория шароитда даволанади.

Шунингдек, ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

# БЎКАДА "НЕФТЬ БУЛОҒИ" БОР(МИ?)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Уй эгасининг сўзларига қараганда, ғайритабиий овоз ва ер силкинишлари яқиндан бери яна такрорланмоқда. Шу маҳаллада яшаб ўтган нуронийларнинг гапини қишлоқдагилар яхши эслашади. Ўтган асрнинг 60-йилларида геологлар шу атрофга келиб, бурғулаш ишларини олиб боришган. Текширувлар натижасида улар очилган "кўз"ни ёпиб кетишгани ҳақида гапиришган экан.

Шу ўринда мутасадди ташкилот масъуллари ҳолат билан қай даражада таниш эканликлари билан қизиқдик.

– Жорий йилнинг июнь-июль ойларида келиб тушган мурожаат асосида тебраниш ёзадиган аппаратларни овоз келаётган ҳудудга ўрнатдик, – дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти лабораторияси мудири Алишер Ибрагимов. – Аниқланишича, бу ҳолат зилзила билан боғлиқ эмас. Кузатувларимиз натижасида 30-40 чақирим нарида ҳеч қандай сейсмик ҳодиса рўй бермаган. Ёзувларда Афғонистон ва Тожикистон республикаларидаги ер силкинишлари қайд этилган. Шундан сўнг гидрогеология бўлимига ўрганишлар олиб боришни тавсия этганмиз.

Нима бўлганда ҳам мурожаатчи А. Алимовнинг хавотирлари ўринли. Бу тилсим қачон ва ким томонидан ўрганилади? Масъуллардан жавоб кутиб қоламиз.

Мавзуга эса яна қайтамиз.

**Нигора ЎРОЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

Эълон




“YANGI ANGREN IES”
акциядорлик жамияти
малакали ва стажга эга бўлган бульдозер мотористини
*ишга қабул қилади.*
**Иш ҳақи келишув асосида.**
Мурожаат учун телефон:
**(99) 326-07-07.** *(соат 8:00 дан 17:00 гача)*

# Меҳр манзилидаги гурунглар

**Қибрай туманидаги Дўрмон маданият саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, қибрайлик таниқли журналист Раҳматилла Шералиев таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан маърифий кеча ташкил этилди.**





Вилоят ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар ҳамда журналистлар уюшмалари вилоят бўлимлари, АОКА вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган кечада вилоят журналистлари, ёзувчи ва шоирлар, маънавиятчилар, шунингдек, юбилярнинг дўст ва маслакдошлари, оила аъзолари иштирок этишди.

Кечада сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Сайёра Файзиева, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Шарифа Салимова, таниқли ёзувчи Тўлқин Эшбек, шоира Зарифа Эралиева ва бошқалар устоз публицистнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ёрқин фикрлар билдиришди.

Вилоят филармонияси, маданият бошқармаси, "Ўзбекконцерт" вилоят бўлимининг хушовоз хонандалари томонидан тайёрланган мусиқий дастур даврага файз улашди.

* * *

Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли журналист Раҳматилла Шералиев билан учрашув ташкил этилди. Унда "Ёшлар кундалиги" жамоаси ҳамда фаол ёшлар жам бўлишди.

Меҳнат фаолиятини маънавий-маърифий ишлар билан чамбарчас боғлаган мураббий бугун ўзининг журналистика соҳасидаги бой ҳаётий тажрибаси, маънавий камолоти, туркум мақолалари билан кенг китобхонлар оммаси ва газетхонлар ўртасида алоҳида ҳурматга сазовор.

– Болалигимда Чингиз Айтматовнинг "Жамила" қиссасини севиб ўқирдим, – дейди Р. Шералиев. – Асар қаҳрамонларининг кейинги ҳаёти билан қизиқиб, бир неча маротаба ёзувчига мактуб ҳам ёзганман. Афсуски, хатларим токчада қолиб кетарди.

Уйимизга ёзувчи, шоирлар тез-тез келиб туришарди. Бир куни уйимизга Ч. Айтматов ҳам келди. Уйқусираб турган эдим, кўзларимга ишонмадим. Болахонага кўтарилган меҳмонларга пешвоз чиққанимда буюк ёзувчи: "Кўзинг ҳамиша очиқ бўлсин", дея елкамга қоқди. Бу гапнинг маъносини йиллар ўтиб англадим. Ўша куни кетишга чоғланган Чингиз оғадан Жамила ва Дониёрнинг кейинги ҳаёти ҳақида сўрадим. Ёзувчи яна китобни қайта ўқишимни тайинлади. У шу топда мени тафаккур қилишга ундаган экан.

Журналист билан боғлиқ воқеа ва хотиралар ёшларни беэътибор қолдирмади. Савол-жавоб тарзида ўтган суҳбат ширин мутойибаларга бой бўлди. Иштирокчилар орасидан энг яхши савол эгаларига Раҳматилла Шералиев ўзининг "Меҳр манзиллари" китобни совға қилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*



**Бундан олти аср муқаддам, аниқроғи, Амир Темур ҳукмдорлиги даврида Самарқанд бутун дунёнинг диққату эътиборида бўлган эди. Бугун ҳам Шарқ гавҳари Самарқанд Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари, бош вазирлари, элчилар, дипломатлар, сиёсатшунослар, журналистлар диққат марказида. Жаҳон матбуотининг нигоҳи айнан Самарқандга қаратилган.**

# ТИНЧЛИК – ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК, ТОМОНЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ЎЗАРО ҲУРМАТ ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛАДИ

14–16 сентябрь кунлари Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Покистон, Ҳиндистон республикалари асосий иштирокчи, Беларусь, Мўғулистон ва Эрон кузатувчи давлат мақомида, Туркманистон Озарбайжон ва Туркия давлатлари етакчилари меҳмон сифатида иштирок этгани саммитнинг нақадар муҳим тадбир эканини яққол ифода этди.

Тадбир арафасида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Бу мақола дунё матбуотида кенг ёритилди.

Давлатимиз раҳбари "Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир", дея таъкидлади мақоласида.

Дарҳақиқат, бугун бутун дунёга тинчлик зарур. Тинчлик эса, табиийки, ўзаро ҳамкорлик, томонлар манфаатларини ҳисобга олиш, ўзаро ҳурмат туфайли юзага келади. Муқаддас динимизда ҳам тинчлик ва ҳамкорликка алоҳида урғу берилган.

Тинчлик Аллоҳ таолонинг шундай тотли неъматики, у бўлмаса, одамлардан ҳузур-ҳаловат, хонадонлардан барака, оилалардан қут, жамиятдан меҳр, юртдан маъмурлик, Ер юзидан файз кўтарилади. Дунё рангсиз, жилосиз, нурсиз ва зиёсиз бўлиб қолади.

Мусулмон киши ҳар доим огоҳ ва ҳушёр бўлиши зарур. Айниқса, бугун дунё кўздаги ҳалқаланган бир томчи ёшдек омонат турган пайтда кўзимизни каттароқ очишимиз, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, ғараз ниятли кишиларнинг тузоғига асло илинмаслигимиз керак.

Огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, тинчликни таъминлаш турли кўнгилсизликлар ва хавфу хатарларнинг олдини олишнинг зарурий шартидир. Зеро, ғофиллик ва бепарволик турли нохушликларга замин яратади.

Аллоҳ таоло бандаларига ёппасига тинчликка кириш, бахтли яшаш ва абадий саодатга эришишлари учун зарур бўлган барча йўл-йўриқларни таълим берган. Тинчлик, аввало, ҳар бир кишининг ўзидан бошланади.

Бутун дунёда тинчлик ўрнашса, қалблар таскин топиб, кишилар ўртасида аҳил-иноқлик, меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкамланади. Шунда барча инсонлар тинч-тотув ҳаёт кечиради.

Шуларни инобатга олиб, ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Самарқандда тўпланиши ва муҳим масалаларни муҳокама қилиб, тегишли қарорлар чиқариши, албатта, барчага бирдай манфаатли бўлади, иншааллоҳ.

**Жасурбек РАУПОВ,**
**Тошкент вилояти бош имом-хатиби**

# ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Нурафшон шаҳрида "InnoWeek-2022" инновацион ғоялар ҳудудий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 200 га яқин иштирокчилар ўзларининг кўплаб инновацион ишланмалари ва маҳсулотларини намойиш этишди.**

**"InnoWeek-2022"**



Шунингдек, вилоятдаги ОТМ талабаларининг ҳам бир қатор технология ва маҳсулотлари кўргазма павильонидан жой олди.

Мазкур кўргазма тадбиркорлар учун янги лойиҳалар билан танишиш, маҳсулотларни ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда катта имкониятлар майдони бўлиб хизмат қилди.

**Санъат**

# Она юрт мадҳи



**Тошкент Фотосуратлар уйида рассом Эркин Нурманов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган "Она юртни куйлаган мусаввир" номли шахсий кўргазма очилди.**

Экспозициядан рассомнинг кўп йиллик ижод маҳсуллари ўрин олган. Рангтасвир йўналишида ижод қилувчи рассом асарларида табиат манзаралари акс этган суратларга ҳам кенг ўрин берилган. Улар орасида "Кумушкон", "Оқтош қишлоғи", "Оқтош сойи", "Чорвоқ", "Юқори Чимён" ва бошқа қатор ижод намуналари мухлисларга манзур бўлмоқда.

Э. Нурманов 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. Ҳозирда шу институтнинг доценти.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Янгисидан бор**

## Сени ўйласам

*Гул, келдинг умримнинг куз палласида,*
*Шамоллар гувлайди сени ўйласам.*
*Гулбўрон – илк қорлар арафасида*
*Юрагим гуллайди сени ўйласам.*

*Қайси феълим ёқиб меҳрибон худо*
*Сендай гулни менга айлади ато?*
*Энди хато қилсам бўлади хато,*
*Худойим қўллайди сени ўйласам.*

*Қайтмас бўлиб мендан кетган гулюзлар,*
*Ёнимга қайтишга ёниб йўл излар.*
*Олисдан кўз қисиб бир-бир юлдузлар,*
*Бўсалар йўллайди сени ўйласам.*

*Тилим – юрагимнинг давомидир, гул,*
*Юрагим икки юрт довонидир, гул,*
*Довонда бир гулнинг товонидир гул,*
*Ўлиб ҳам бўлмайди сени ўйласам.*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# Донолар битигидан

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз лоқайд кишилардан яхшидир.

**Амир Темур**

Инсоннинг энг биринчи бурчи аслидагидай бўлиши, "бу – яхши, бу – ёмон" деган гапни мардона айта олишидир.

**Ромен Роллан**

Мусибат ёмонларнинг зулмида эмас, яхшиларнинг жим туришида.

**Мартин Лютер Кинг**

Қулликнинг энг даҳшатли томони шуки, у бора-бора қўлидаги кишанга ҳам меҳр қўя бошлайди.

**Вовенарг**

**Шанба сабоқлари**

# СУКУТ ҲАЙҚИРИҒИ



Шу воқеа эсимга тушса юрагим увишади. Инсон қачонлардир айтган бир сўзи, қилган ишидан афсуслансаю, уни тўғирлай олмаслигини билса, бундан ёмони йўқ. Мени ҳам баъзида бир сўз юки эзади...

Ўн йилча бўлди. Ўн тўрт-ўн беш яшар қиз эдим. Амакимнинг ўғли оғир хасталикка чалинган, пойтахтдаги шифохонада ётганди. Вилоятда турадиган амаким ва янгам ҳам бизникида. Кунда ўғилларининг ҳолидан хабар олишади. Ич-ичларидан сиқилишларини кўриб, менинг ҳам юрагим эзилади. Ўз оғамдек бўлиб қолган Баҳром акамнинг тузалиб кетишини истаб дуо қиламан.

Баҳром акам касалхонадан чиққач, палатадоши ҳақида кўп гапириб берди. Қисқа фурсат ичида дўстлашиб қолишган экан. Ўзи қатори тошкентлик бу боланинг аҳволи акамникидан анча ёмонроқ эди. "Мен-ку, оғир меҳнат туфайли шу дардга йўлиқдим. Сиз-чи, Баҳромжон, ўзига тўқ, шундай зиёли ота-онанинг фарзанди экансиз, бу бало сизга қандоқ илашди?" деб кўп айтаркан. Ҳа, дард одам танламаслиги рост экан. Шифохонадан рухсат беришди, аммо соғайиб кетгани учун эмас... Кўп ўтмай меҳрибон акамни ерга топширдик.

Орадан вақт ўтди. Бизнинг уй телефонимиз рақами Баҳром акамнинг ўша дўстида бор экан. Бир куни қўнғироқ қилиб қолди. Мен кўтардим. Ўзини таништиргач, акамнинг соғлиғи, қаерда яшаши ва рақамларини сўради. Ўзи ҳалиям касалхонада экан. Дўсти билан гаплашмоқчилигини айтди... Таъзиядан хабари бўлмаган, бечоранинг.

– Баҳром акам бўлмадилар... – дедим тутилиб. Бизнинг водийда "бўлмади", деган сўз вафот этиш маъносини билдиради. Аммо йигит буни тушунмади.

– Нима деганингиз бу?

"Бўлмади" сўзига маънодош излаб узоқ ўйландим. Тузукроқ синоним тополмай, тушунарли сўзда айта қолдим:

– Ўлдилар...

Гўшак ортида бир муддат жимлик чўкди. Сўнг у ҳеч нима демай гўшакни қўйиб қўйди. Ўша жимлик жаранги ҳалигача қулоғим остида. Чунки бу жимликда "нега!?" деган ҳайқириқ ҳам ётарди. Ўшанда у нималарни кўнглидан кечирган экан?.. Хайрлаша олмаганидан надомат чекканмикан? Ёки мен ҳам барибир ўларканман, деганмикан. Эҳтимол...

Мен ўша сўзни бекор айтдим.

Балки Баҳром акам соппа-соғ, дейишим керакмиди? Ўйнаб-кулиб юрибди, сиз ҳам тезроқ соғайиб водий тарафларга ўтинг, десам тўғри бўлармиди? Билмадим. Билганим шуки, мен бир беморнинг қалбига катта умидсизлик ташладим.

Унинг исмини билмайман. Ҳозир ҳаётми, йўқми, буни ҳам билмайман. Балки соғайиб кетгандир... Ҳаёт бўлса, бола-чақали ҳам бўлгандир. Илойим, шундай бўлсин. Агар у шу сўзларни ўқиб, ўша суҳбатни эслаган бўлса, бир айтарим бор: берган ноумидлигим учун мени кечиринг...

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**


TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra'no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82
Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 02.40
Nashr ko'rsatkichi – 205.
Buyurtma G-935.
3 923 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6